

ПАРАНЖИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

М.Ш.Ярашова

Осиё халқаро университети, Тарих ва филология кафедраси

Тарих фани ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14617026>

Аннотация. Ушбу мақолада хотин-қизларнинг қадимий анъанавий бош кийими - паранжи, унинг келиб чиқиши ва ўрганилишига оид масалалар этнологик нуқтаи назаридан ёритилади.

Калит сўзлар: Паранжи, ферижжия, бурку, хабара, миляя, фередже, чодар, чакхнур, чадра, чашибанд, чачвон, муслин.

PARANGI AND THE HISTORY OF ITS STUDY

Abstract. This article discusses the ancient traditional women's headdress - the parangi, its origin and study from an ethnological point of view.

Keywords: Parangi, ferijjiya, burku, khabara, milaya, feredje, chador, chakhnur, chadra, chashmband, chachvan, muslin.

ПАРАНДЖИ И ИСТОРИЯ ЕГО ИЗУЧЕНИЯ

Аннотация В данной статье с этнологической точки зрения освещены вопросы, связанные с древним традиционным головным убором женщин – паранджой, его происхождением и изучением.

Ключевые слова: Паранджи, фериджия, бурку, хаба, милья, фередже, чадор, чакхнур, чадра, чашибанд, чачван, муслин.

Анъанавий кийим-кечакларга оид маълумотларни ўзаро таққослаш ва таҳлил қилиш ўтмиш анъанавий кийимлардаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаштиришда муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Хотин-қизларнинг анъанавий бош кийимларидан хусусан, паранжи санъатшунос ва этнограф олимлар Г.А.Пугаченкова[1,С.191-195.],К.П. Лобачева[2,С.78-92.], О.А. Сухарева[3.С.44-50.] лар илмий тадқиқотларида тарихий-этнологик жиҳатидан ёритилганлиги маълум.

Г.А Пугаченкова тадқиқотларида паранжи ҳамда у билан боғлиқ маълумотлар асосан, қадимги давр деворий тасвирлари, ўрта аср қўлёзмаларидаги минатюралар асосида таҳлил қилинади. У паранжи сўзининг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб, ушбу атамага европа муаллифлари томонидан тузилган форсча луғатларда жуда умумий таъриф берилганлигини айтиб ўтган.Жумладан, А. де Биберстеин-Казимирски «барча кийимлар устидан кийилувчи, белсиз оддий либос», И. Ягелло эса «кийиниш тури» дея изоҳ берган. Р.Дози томонидан

тузилган кийим қисмлари арабча номларининг махсус луғатида эса етти саҳифа айнан "фараджийя" деб номланган махсус кўча кийими- паранжи ҳақида эди. Ушбу луғатда паранжи қуйидагича таърифлаган: узун тикилган ва заргарлик буюмлари билан безатилган, кенг ва узун енгли, рангли матодан (ипак ёки зиғирдан) тайёрланган, оёқ учига қадар тушиб турувчи ташқи кийим. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу атама X асрдаёқ ёзма манбаларда қайд этилган [1, С.191.].

Р.Дози паранжининг келиб чиқишини Мисрга боғлайди ва айнан шу ердан Ибн Баттутанинг (XIV аср) сўзларига кўра фаранжи бошқа мамлактларга тарқалади. Ўрта Осиёда ушбу атама ёзма манбаларда XIV-XVI асрлардан бошлаб ишлатилган. Г.А. Пугаченкова паранжи дастлабки пайдо бўлган вақтида эркакларга хос кийим бўлганлигини тасдиқловчи бир қатор манбаларни келтириб ўтади [4]. Хусусан, «Рашахот»да Хўжа Аҳрор ўғлига атаб ўтказган катта тантанада шайх «дастур ва фаранжи»-чалма ва тантанали халат кийган ҳолати айтиб ўтилган. В.Л. Вяткин тарихий асарларни тадқиқ қилиш асосида шайбонийлар даврида шаҳар олимларининг кўча кийими фаранжи - халат бўлганлигини қайд этади. Бобур Ҳиндистонда бунёд этган давлатда ҳам фаранжи кийими мавжуд бўлиб, ушбу кийим ҳинд олимлари, амалдорлари ва диний руҳонийларнинг устки кийими эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Зайниддин Восифийнинг хотираларида фаранжи - аёллар ва эркаклар кийимига нисбатан ишлатилган [1, С.191.]. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу кийим дастлаб эркаклар ташқи кийими сифатида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик асрлар давомида ўзгаришга учраб фақат аёлларга хос кўча кийимига айланиб борган.

Паранжи ўзининг қадимий прототипига эга эди. Ушбу прототип намуналари Самарқанд атрофидан топилган зардуштийлик дини худоси Анахитанинг ҳайкалчаларида елка устига ташланган, узун устки кийим сифатида тасвирланган. «Шохнома»нинг XV асрда кўчирилган нусхасида келтирилган минатюраларда эркаклар ва аёлларнинг кийимларида ниҳоятда узун енгли устки либослар ҳам тасвирланган эди. Ушбу либослар XV аср охири XVI аср бошларида ҳам сақланиб қолган ва буни Низомий Ганжавий «Хамса»сининг минатюралари ҳам тасдиқлайди. XVI асрда паранжининг узун енглари бутунлай декоратив қисмга айланди. XVIII асрдан яъни, паранжи бошга кийила бошланган даврдан, енглари ўзининг амалий функциясини бутунлай йўқотди, бироқ улар худди ҳақиқий енглари каби тикилган ва орқа томонда учлари билан маҳкамланган [1, С.192.].

Шарқда кенг тарқалган аёлларнинг юзларини чачвон (тож, чашмбанд- кўзни боғлаб кўйиш) билан беркитиш одати бадиий асарларда XV асрдан қайд этилган. Ушбу урф-одат дастлаб мўғулларда мавжуд бўлганлиги ҳақида В.Рубрук томонидан мўғул маликаларининг кийиниш таърифида қуйидагича келтирилади: «...кўзлар остида улар оқ мато парчасини

боғлашади». Клавихонинг Темур ҳарамидаги маликаларнинг байрамаона либослари ҳақидаги тавсифида уларнинг юзлари шаффоф оқ мато билан ўралганлиги кўрсатилган.

Минатюралар шуни кўрсатадики, XVI-XVII асрларда чачвон ҳали Марказий Осиё ҳаётига кирмаган. Айни пайтда, Ф. Эфремовнинг (1784) эслатмаларида Бухоро аёллари юзларини от сочидан тўқилган тўр билан ёпиб, фаражаҳ, “аёллар халати, енглари тор бўлган, бир-бирига тикилган ва орқага қайтарилган, узунлиги оёқ учигача” бўлган либос кийишган[1, С.192]. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, паранжи аёллар либоси бўлган дастлабки даврларда улар юзларини оқ ҳаррир ёки рангли мато билан беркитишган.

Кейинчалик, яъни XVIII асрдан бошлаб, от ёлидан тайёрланган махсус чачвон паранжи таркибий қисмига ҳамда аёллар киядиган мажбурий либосга айланди.

К.П.Лобачева тадқиқотларида ислом динини эътироф этган халқлар орасида, маълум даражада аёлларнинг кўча -кўйда кийиб юрадиган махсус юзни беркитувчи кийими яъни паранжи мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Бу кийим хотин-қизлар орасида XIX аср охири XX аср бошларида кенг тарқалган эди. Паранжи мусулмон халқлари орасида турлича кўринишга эга бўлганлиги сабабли ягона ном билан аталмаган. Хусусан, Миср мусулмонлари орасида юз учун буркуа (бурку) билан битта ёки иккита матодан қилинган ҳабара ва миляя; турклар орасида юзни беркитувчи тўр – яшмак ва енгсиз халат кўринишидаги фередже; форсларда бошга ташланадиган икки ёқлама юпка кўринишидаги чодар ва оқ муслин ёки қора тўрдан қилинган юзга ёпиладиган руйбандом, кўшимча чохнур ёки чохчу; афғонларда эса халат кўринишидаги кўзлар учун тешиклари бўлган матодан тикилган чодралар узок сафарларга, бозор боришда ва кўчага чиққанда кийилган[2, С.78].

Бошқа мусулмон давлатларида бўлгани каби, паранжи кийиш одати Марказий Осиё ўзбек ва тожик халқлари орасида ҳам мавжуд бўлган. Н.П.Лобачева паранжи кийиш одати Марказий Осиёнинг барча аҳолиси орасида ҳам амал қилмаганлигини кўрсатиб, чорвадор аҳоли орасида бундай одат бўлмаганлигини айтиб ўтади[2, С.78]. Уни асосан шаҳарлик хотин-қизлар кўча-кўйда бегона кўзлардан ўзини беркитиш учун кийишган бўлса, чорвадор кўчманчи аҳолида бундай мажбурият бўлмаган. Паранжи бошқа кўплаб мусулмон халқларидан фарқли равишда мусулмон ўзбек ва тожиклар орасида кенг ёқа билан кесилган, жуда тор ва узун сохта енглари орқага ташланган, анъанавий кенг, узун кўйлак кўринишида бўлган. Аёллар уни елкаларига эмас, кенг ёқаси билан бошга кийишган, юзларини эса чашмбанд (чачван, чашван, чиммет) орқали беркитишган[2, С.78].

О.А.Сухареванинг сўзларига кўра, паранжи бошқа кийимлардан фарқли равишда уйда тикилмаган. Ушбу кийимлар савдогарлар ва махсус мижозлар учун ишлайдиган мутахассис аёллар томонидан тикилган. Чашмбанд ҳам лўлилар томонидан тайёрланган.

Бухоро, Самарқандда паранжи банорас[5] деб номланган матодан қора ва кулранг иплар билан тикилиб, баъзан унинг этагига, сохта чўнтаклар ёнига, ёқасига, енг учларига нақшлар туширилган[3.с-45].

О.А.Сухареванинг қайд этишича, паранжи кийиш билан боғлиқ бир қатор одатлар яъни тартибга риоя қилинган. Паранжини аёллар уй ичида эмас ҳовлида бошга ташлаб чачвонини эса фақат дарвозадан чиқмасдан юзга ёпилган. Чунки қора рангли либос уй эгасига фалокат келтириши мумкин деган магик қараш мавжуд бўлган. Ҳовлига меҳмонга келган аёл юзидаги қора чачвонни орқага олиши бу- одоб- ахлоқ вазифаси бўлган[3.с-45].

XIX аср охири XX асрнинг 20-йилларига қадар паранжи кийиш барча аёллар- никоҳ ёшидаги қизлардан тортиб, кекса аёлларга қадар мажбурий бўлган. XX аср бошларига келиб паранжи турли хилдаги матолардан турли рангларда тикила бошланган.

Ёш аёлларнинг паранжилари рангдор, турли хилдаги бахмал ва ипак матолардан тикилиб, уларга кашта безаклари ва оқ нақшлар туширилган[2,С.80]. Қизлар оқ ёки оқ ва қизил рангдаги матолардан тикилган паранжи кийишган, қора чачвон ўрнига эса оқ муслин[6] ёпишган. Қишлоқ жойларида яшовчилар (бадавлат оилалар бундан мустасно) паранжи ўрнида бирон ёзги кўйлақни бошларига тўрсиз ёпишган[3.с-46].

Паранжи ўзбекларда нафақат кўча кийими, балки маросим кийими сифатида ҳам амал қилган. Тўй маросимида келин куёвнинг уйига олиб борилганда юзига оқ муслин билан паранжи ёпиш мажбурий бўлган. Паранжи тўй маросимларига, дафн маросимларига борилганда кийилган. Айнан ушбу жиҳатлардан, яъни тўй маросимида келинни юзини паранжи билан ёпиш одати ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

REFERENCES

1. Пугаченкова Г.А. К истории ‘‘Паранджи’’// Советская этнография. - 1952. -№3.-С.191-195.
2. Лобачева Н.П. К истории паранджи//ЭО, № 6.-1996.-С .78-92.
3. Сухарева О.А.История среднеазиатского костюм.Самарканд (2^яполовина XIX-начало XXв.).-М «Наука»,1982,-С.44-50.
4. Фахриддин али ас- Сафий..Рашахот-айн ал-хаёт(хаёт булоқларидан томчилар).- Т.,Ибн Сино,2003; Захриддин Мухаммад Бобур.Бобурнома.-Т.,Янги аср авлоди.2018;Зайниддин Восифий. ‘‘Бадоеъ ул-вақоеъ’’(‘‘Нодир воқеалар’’). Т., Гафур Ғулом, 1979.
5. Ҳиндистондаги Банорас шаҳри номидан олинган— танда ипи шойи, нимшойи, арқоғи ипдан тўқиладиган пишиқ мато, тўқилиши беқасамга ўхшаш. Беқасамдан фақат гуллари билан фарқ қилади. Банорас асосан, кумуш ранг оқ тусли бўлиб, уни зўрға

кўринадиган қорамтир йўллар кесиб ўтади. Банораснинг асл ватани Ҳиндистон. Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Наманганда ҳам қадимдан тўкилади.

6. Пахтадан тайёрланадиган оддий тўқув матоси. Унинг ватани Бангладеш. Дастлаб ҳозирги замонда жуда кам учрайдиган қўл иплари билан тўқилган эди. У XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида Европага олиб келинган. Муслинлар дастлаб фақат пахтадан тайёрланган. Улар жуда нозик, шаффоф, енгил нафас оладиган матолар эди. Муслиннинг баъзи навлари шу қадар ингичка эдики, улар ҳаттоки бармоқ узугининг тешигидан ўтиб кета оларди.
7. Ярашова, М. . (2024). ЖАҲОН ЭТНОЛОГИЯСИ ФАНИ ВА УНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ. *Modern Science and Research*, 3(10), 362–368. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/44901>
8. Ярашова, М. (2024). БУХОРО ВОҲАСИДА МАТО ВА МАТО ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ. *Modern Science and Research*, 3(11), 782–787. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/48057>
9. Yarashova Mohlaroyim Shuhratovna. (2024). Muyiddin Ibn Arabiyning Tasavvuf Ta'limotida Tahsil Olgan Ayol Ustozlari Va Ta'lim Bergan Ayol Shogirdlari. *Miasto Przyszłości*, 52, 622–625. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4679>
10. Yarashova, M. (2024). ILK O'RTA ASR MANBALARIDA KIYIM-KECHAKLAR VA ULAR BILAN BOG'LIQ ATAMALAR TAVSIFI. *Modern Science and Research*, 3(12), 621–632. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/58456>
11. Ilniyazovich, S. F. (2023). RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING TARIX FANINI O'QITISHDAGI AHAMIYATI.
12. Ilniyozo'g'li, S. F. (2023). ETNOGRAFIK TADQIQOTLARDA QORAQALPOQ XALQINING YORITILISHI.
13. Ilniyazovich, S. F. (2024). The Formation of Preliminary Knowledge about the People of Karakalpak. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 4(3), 149-155.
14. Sayfutdinov, F. (2024). BUXORO AMIRLIGINING QURILISH TARIXI: MADANIY VA ARXITEKTURA TARAQQIYOTI MEROSI. *Modern Science and Research*, 3(12), 852-858.
15. Sayfutdinov Feruz Ilniyozo'g'li. (2023). XX ASR 2-YARMI XXI ASR BOSHLARI ZARAFSHON VOHASIDA ETNOSLARARO MUNOSABATLAR. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(9), 1–5. Retrieved from <https://sciencebox.uz/index.php/ajed/article/view/7941>

16. Sayfutdinov , F. . (2024). ILLUMINATION OF THE SPIRITUAL LIFE OF THE KARAKALPAK PEOPLE IN RESEARCH. *Journal of Universal Science Research*, 2(5), 441–452. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/universal-scientific-research/article/view/34891>
17. Sayfutdinov , F. (2024). MANG'IT AMIRLARI DAVRIDA BUXORO AMIRLIGI ME'MORCHILIK SOHASI RIVOJI. *Modern Science and Research*, 3(10), 620–629. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/45335>
18. Ilniyazovich, S. F. (2024). Historiography of Various Expeditions and their Results in the Regions Inhabited by Karakalpaks in the First Half of the 20th Century. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 4(9), 159-165.
19. Yuldosheva, F. . (2024). MIRZO ULUG'BEK KUTUBXONASI VA BUGUNGI TAQDIRI. *Modern Science and Research*, 3(12), 741–749. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/58564>
20. Yuldosheva , F. . (2024). BOLA TUG'ILISHI BILAN BOG'LIQ MAROSIMLAR O'ZBEK XALQI HAYOTINING AJRALMAS QISMI SIFATIDA. *Modern Science and Research*, 3(11), 788–791. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/48058>
21. Yuldosheva , F. Y. qizi. (2023). LEV NIKOLAYEVICH GUMILYOVNING “QADIMGI TURKLAR” ASARIDA KO'KTURKLAR YODGORLIKLARI XUSUSIDA. *GOLDEN BRAIN*, 1(16), 338–342. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/goldenbrain/article/view/3908>
22. Xayrullayev, U. (2024). THE IDEA THAT MADE THE OTTOMAN STATE GREAT (RED APPLE II). *Modern Science and Research*, 3(2), 1071–1073. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/29533>
23. Xayrullayev, U. (2024). BRIEFLY ABOUT THE "RED APPLE" MYTHOLOGY OF THE TURKS. *Modern Science and Research*, 3(1), 568–572. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/28329>
24. Umidjon, X.(2024). Literacy and Information Exchange in the Ancient East and West. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 4(3), 179–183. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/2698>
25. Umidjon, X. (2023). 1918-1939-yillarda Polshaning ichki siyosatidagi o'zgarishlar. *Центр Научных Публикаций (buxdu.Uz)*, 42(42). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/10963

26. Umidjon Xayrullayev. (2024). THE POSITION OF CENTRAL ASIAN GOVERNORSHIPS DURING THE PERIOD OF THE TURKISH KHANATE AND THE ARAB INVASION. <https://doi.org/10.5281/zenodo.13958464>
27. Toshpo'latova, S., Gadayeva, M., & Sadullayev, U. (2024). SHARQ ALLOMALARINING DIDAKTIK QARASHLARI. *Modern Science and Research*, 3(12), 985-993.
28. Gadayeva, M., Toshpolatova, S., & Sadullayev, U. (2024). TARIX FANLARINI OQITISHDA MUZEYLARNING ORNI. *Modern Science and Research*, 3(12), 994-1003.
29. Sadullayev, U., Gadayeva, M., & Toshpo'latova, S. (2024). MAHALLA-QADRIYATLAR BESHIGI. *Modern Science and Research*, 3(12), 1228-1238.
30. Toshpo'latova Shaxnoza Shuhratovna. (2024). ILK UYG'ONISH DAVRI NAMOYONDALARINING DIDAKTIK QARASHLARI ASOSIDA O'QUVCHILARNI TARIX FANIGA QIZIQTIRIS METODIKASI. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14520996>
31. Toshpo'latova, S. (2024). TARIX FANINI O'QITISHDA SAMARALI METODLAR. *Modern Science and Research*, 3(11), 774-782.
32. Тошполатова, Ш. (2024). THE PRESENT IRANIANS. *Журнал универсальных научных исследований*, 2(5), 453-462.
33. Toshpo'latova, S. (2024). BUXORODAGI SAROYLAR. *Modern Science and Research*, 3(5), 522-529.
34. Toshpo'latova, S. (2024). O'RTA ASRLARDA OILA PEDAGOGIKASIGA OID FIKRLAR. *Modern Science and Research*, 3(12), 353-361.
35. Toshpo'latova, S., & Xudoyqulov, S. (2024). History And Ethnology Of Olot District. *Modern Science And Research*, 3(5), 148-151.
36. Toshpo'latova, S., & Jo'rayeva, M. (2024). HISTORY AND ARCHITECTURAL MONUMENTS OF JONDOR DISTRICT. *Modern Science and Research*, 3(2), 447-450.
37. Qizi, R. S. S., Shukhratovna, T. S., & Karamatovna, M. A. (2024). Implementation of Education and Protection of Children's Rights in the age of Technology. *SPAST Reports*, 1(7).
38. Shuhratovna, T. S. (2024). Linguistic Anthropology. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 4(3), 432-437.
39. Toshpo'latova, S. S., & Naimov, I. N. (2023). MS ANDREYEV-O'RTA OSIYO XALQLARI ETNOGRAFIYASINING YIRIK OLIMI. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(8), 1214-1222.
40. Toshpo'latova, S., & Tursuntoshova, S. (2024). Khoja Abdulkholiq Gijduvani. *Modern Science and Research*, 3(2), 87-93.

41. Toshpo'latova, S. (2024). Ethnolinguistics Of Ethnologies Of Bukhara. *Modern Science and Research*, 3(2), 1004-1011.
42. Toshpo'latova, S. (2024). Ethnolinguistics. *Modern Science and Research*, 3(2), 500-507.
43. Toshpo'latova, S. (2024). Religious Anthropology. *Modern Science and Research*, 3(1), 504-510.
44. Shakhnoza Shuhratovna, T. (2023). MS Andreyev'S Way Of Life. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769)*, 1(10), 655-659.
45. Shuhratovna, T. S. (2023). Ethnological Analysis Of National Costumes And Rituals Of Tajiks In The Works Of MS Andreyev. *International Journal Of History And Political Sciences*, 3(12), 42-47.
46. Toshpo'latova, S. (2023). MS Andreyev-Scientific Career. *Modern Science and Research*, 2(12), 801-807.
47. Shuhratovna, T. S. (2023). Etymology Of Tajik Marriage Ceremony. *International Journal Of History And Political Sciences*, 3(11), 17-23.
48. Toshpo'latova, S., & Ashurova, G. (2023). THE HISTORY AND DESCRIPTION OF THE WORK OF MS ANDREYEV-" ARK BUKHARI". *Modern Science and Research*, 2(9), 404-409.
49. Toshpo'latova, S. (2023). ETHNOLOGICAL ANALYSIS OF CALENDRIAL CALCULATION AND LENGTH MEASUREMENTS OF KHUF VALLEY TAJIKS IN THE RESEARCHES OF MS ANDREYEV. *Modern Science and Research*, 2(10), 291-299.
50. Toshpo'latova, S. (2023). A STUDY OF THE WEDDING CEREMONY OF THE TAJIKS OF AFGHANISTAN. *Modern Science and Research*, 2(9), 84-89.
51. Naimov, I., & Toshpo'latova, S. (2023). Marriage Ceremony Of Tajiks In The Work Of Mikhail Stepanovich Andreyev "Tadjiki Dolini Khuf". *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 3(1), 12-16.
52. Toshpo'latova, S. S. (2023). Tojiklar Milliy Kiyim-Kechaklari Va "Beshmorak" Marosimining Etnologik Tahlili. *Scholar*, 1(28), 395-401.
53. Gadayeva, M. (2024). MARKAZIY OSIYODA JADID AYOLLARI TARIXI. *Modern Science and Research*, 3(12), 652-658.
54. Muxamedovna, G. M. (2024). Millatimiz Faxri-Buxoro Ma'rifatparvari. *Miasto Przyszłości*, 52, 557-562.
55. Muxamedovna, G. M. (2024). PARANJI TARIXI, YOXUD O'RTA ASR AYOLLARINING KIYIMI HAQIDA.

56. Muxamedovna, G. M. (2024). TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING O'RNI. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 4(5), 97-102.
57. Mukhamedovna, G. M. (2024). The Sad Fate Of The Women Of Turkistan: About The "Hujum" Movement And Its Impacts On Agriculture. *SPAST Reports*, 1(7).
58. Muxamedovna, G. M. (2023). MAKTABLARDA TARIX FANINI O'QITISH AHAMIYATI. *Научный Фокус*, 1(5), 178-180.
59. Muxamedovna, G. M. (2023). TARIX FANINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. *Научный Фокус*, 1(5), 175-177.
60. Gadayeva, M., & Ismoilova, Z. (2024). The Importance Of Studying The Science Of Youth Psychology In Improving People'S Lives. *Modern Science and Research*, 3(2), 676-683.
61. Gadayeva, M., & Hamroqulova, N. (2024). The Basis Of The Use Of Development-Pedagogical Skills In Pedagogical Activity. *Modern Science and Research*, 3(2), 684-689.
62. Gadayeva, M. (2024). ABOUT THE HISTORY OF THE VEIL OR MEDIEVAL WOMEN'S DRESS. *Modern Science and Research*, 3(2), 1097-1103.
63. Gadayeva, M. (2023). THE UNIQUE SIGNIFICANCE OF MASTERING SOCIAL SCIENCES DURING THE DEVELOPMENT OF THE NEW UZBEKISTAN. *Modern Science and Research*, 2(10), 459-464.